# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 4 июль, № 129 (5803) Пайшанба


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғинларини мебель жиҳозлари ҳамда компьютер жамланмалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.*

### Маҳаллаларга моддий кўмак

Хусусан, яқинда Фарғона ва Қувасой шаҳарлари, Боғдод, Ёзёвон, Бувайда туманларидаги 110 та маҳалла ана шундай жиҳоз ва техника воситаларига эга бўлди.

Эндиликда улар фаолияти самарадорлиги янада ортаётгани кўзга ташланмоқда.

Йил охиригача вилоятдаги яна 1027 та маҳалла фуқаролар йиғинига шундай совғалар топширилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Сайхунобод туманининг Пахтакор маҳалласида банкнинг 40 миллион сўмлик кредити эвазига “Сардор текстиль бизнес” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.*

### Чеварлар маҳорати

— Сармоянинг 13 миллион сўмига тикув машиналари, қолган қисмига хом ашё харид қилдик, — дейди корхона раҳбари Улуғбек Ниёзов. — Қишлоқ хотин-қизларидан 15 нафарини ишга олдик. Ҳозир улар кўмагида ўнлаб турдаги бежирим либослар ҳамда чойшаблар тикилаяпти. Маҳсулотларимизга вилоятимизнинг турли ҳудудларидан буюртмалар келиб тушмоқда.

**Ғайрат ЭРНАЗАРОВ.**

*Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг 5 ойида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида 16 та лойиҳа амалга оширилди.*

### Металлдан бежирим маҳсулотлар

Хусусан, Элликқалъа туманидаги “Бўстон-Бунёд” масъулияти чекланган жамиятида металл қопламали дарвоза, эшик, панжаралар, тўсиқ ва иситиш мосламалари каби ўнга яқин маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун тижорат банки томонидан ажратилган 98 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланилди. Айни пайтда корхона жамоаси буюртмачилар талабидан келиб чиқиб, илғор ускуналар ёрдамида металлга турли шакл ва сайқал бериш услубларини қўллаяпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Хоразм вилоятида спорт жиҳозлари тайёрлашга ихтисослаштирилган ўнинчи корхона ишга туширилди. Бу имконият Хонқа туманида “Lyuks sport inverter” хусусий корхонаси ташкил этилиши билан юзага келди.*

### Буюртмачиларга — спорт жиҳозлари

Тадбиркор Қудрат Иноятов томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа асносида Жанубий Корея ҳамда Япониядан замонавий технологиялар келтирилди. Ҳозир корхонада тайёрланаётган 5 турдаги спорт инвентарлари ва тренажерлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Мутахассислар эътирофича, “Lyuks sport inverter” ёрлиғи туширилган ушбу маҳсулотлар спорт машғулотларини ўтказишда катта самара беради.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Навқирон авлод саодати

**ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадидир**

*Мамлакатимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эртамиз эгаларининг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишлари, илм-фан, маданият ва спортда юксак чўққиларни эгаллашларида мустаҳкам асос бўлмоқда.*

ИНТИЛИШ

Хусусан, буни Бекобод шаҳрида ёш авлоднинг муносиб таълим-тарбия олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, кейинги икки-уч йилнинг ўзида ҳудудда қурилиб фойдаланишга топширилган бир қатор ижтимоий соҳа объектлари ёшлар ҳаётига янгича маъно-мазмун, шаҳар қиёфасига эса ўзига хос кўрку тароват бахш этди.

— Обод турмуш йилида шаҳримиз марказида барпо қилинган муҳташам “Ёшлар маркази” ҳар куни, ҳатто, дам олиш кунларида ҳам йигит-қизлар билан гавжум, — дейди шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Улуғбек Абдуназаров. — Боиси, бу ерда ёш ижодкорларнинг “Илҳом” ижодий тўгараги, шахмат-шашка клуби, нотиқ ёшлар гуруҳи ҳамда чет тилларни ўрганиш маркази фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 250 ўринли кинотеатр, тамаддихона, ижодий кўргазмалар зали ҳам улар хизматида.

Таъкидлаш лозимки, мазкур иншоот Ўзбекистон металлургия комбинати ҳомийлигида қуриб битказилди. Бу ерда қарийб 1,7 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Шунингдек, марказ замонавий жиҳоз ва ускуналар, компьютер ҳамда коммуникация технологиялари билан таъминланди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар кенгаши ҳам худди шу бинода жойлашгани ташкилот фаоллари, талаба ва ўқувчилар учун қўшимча қулайлик яратди.

(Давоми 2-бетда).

## Истиқлол сурури

*Санъат туфайли юрт кездим, дунё кўрдим. Қайси мамлакатда бўлмайин, бир-икки кундаёқ Ўзбекистонимизни соғиниб қоламан.*

### БУНДАЙ ЮРТ ДУНЁДА ЙЎҚ

*Чунки юртимиз гўзал, одамларимизнинг бир-бирига бўлган меҳри тенгсиз. Шундай бебаҳо Ватанимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Хориж мамлакатларида санъатимизга ҳавас билан қарашади. Бетакрор мақомларни ижро этсак, қойил қолишади, олқишлашади. Бу бежиз эмас. Зеро, истиқлол мумтоз санъатимизни тупроқдан кўтариб, осмоний даражасини тиклаб берди.*

*Бир гап айтай. Истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда қатнашиб, жажжи ўғил-қизларнинг қойилмақом тарзда куйлашларини тинглаб, юрагим қувончга тўлади. Ҳаяжонимни босолмайман. Ахир қайси юртда болалар бахти дея, шунчалик қайғуришади, ғамхўрлик қилишади?! Ниятим, фарзандларимиз албатта биздан-да бахтли бўлсинлар!*

**Муножат ЙЎЛЧИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти,**
**«Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси.**

## УЛКАН САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 июль куни “Жиззах” махсус индустриал зонаси — Хитой компаниялари учун улкан сармоявий имкониятлар майдони мавзуидаги форум очилди.*

АНЖУМАН

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда “Ўзинфоинвест” агентлиги томонидан Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда икки мамлакатнинг савдо-саноат, сармоя, соғлиқни сақлаш, энергетика, нефть-газ, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, автомобилсозлик, озиқ-овқат ва енгил саноат, қурилиш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, электр техникаси, кўнчилик, металлургия каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. Ғаниев, иқтисодиёт вазири Г. Саидова, Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг “ўзбек модели” бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда қулай сармоявий муҳит шакллантирилгани, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Ҳар йили мамлакатимизда уч миллиард доллардан кўпроқ, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда. Бу чет эллик сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ва ишончи ортиб бораётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).




## Нуфуз ва салоҳият

**“Ўзбекистон ҳаво йўллари” янги “Boeing-767-300ER”ни қабул қилди.**

Бугун мамлакатимизда фуқаро авиациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аввало, тармоқнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, янгиланмоқда.

Хусусан, ўтган даврда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиапарки глобал миқёсда тан олинган ва синовдан ўтган “Boeing-757/767”, “А310/320”, “RJ-85” русумидаги ҳаво лайнерлари билан бойитилди. Шу билан бирга, сўнгги русумдаги ҳаво лайнерларига техник хизмат кўрсатиш бўйича барча шарт-шароит яратилиб, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилди, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш модели ҳаётга самарали татбиқ этиб келинаётир.

Бундай янгиланишларга “Тошкент” халқаро аэропортига олиб келинган янги “Boeing-767-300ER” лайнери мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясида “Boeing-767” самолётлари 1996 йилдан эксплуатация қилина бошланган.

(Давоми 2-бетда).

## «Барқарор ривожланиш изчил давом этмоқда»

**“Fitch Rating`s” халқаро рейтинг агентлиги мутахассислари Ўзбекистон молия-банк тизими фаолиятига шундай баҳо бердилар.**

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “Fitch Rating`s” халқаро рейтинг агентлиги ҳамкорлигида Президентимизнинг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорининг ижросига бағишланган халқаро амалий конференция ташкил этилди. Банк тизими ва бошқа молия институтлари вакиллари қатнашган мазкур анжуманда республикамиз банк тизимининг ривожланиш масалалари муҳокама қилинди.

“Fitch Rating`s” халқаро рейтинг агентлиги мутахассислари фикрига кўра, мамлакатимиз молия муассасалари кўрсаткичлари, кредит портфели сифати яхшиланиб, банк тизими ташқи леверижсиз, яъни четдан молиявий ёрдамсиз, фаолиятини ўз капитали ва ички манбалар ҳисобига молиялаштириш орқали барқарор ўсишда давом этмоқда.

Шу билан бирга, хорижий экспертлар Ўзбекистонда сўнгги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоиздан ошиқ бўлиши таъминланаётгани, экспорт тушумларининг ўсиб бораётганлиги, давлат қарзининг камлиги, фискаль профицит, захираларнинг сезиларли даражада оширилиши, жаҳон банк-молия тизимида давом этаётган стагнация шароитида ташқи савдо йўналишларининг ўз вақтида диверсификация қилинишини макроиқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида эътироф этдилар.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИ

**Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда**

**45 километрлик темир йўл модернизация қилинди.**

2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир дастурга мувофиқ, амалга оширилган ушбу ишлар темир йўл тизимида хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

# Истиқлол сурури

*Маҳалламизнинг Қиркдархон массивида намунавий лойиҳалар асосида 2010 йилда 20 та, 2011 йилда 69 та, 2012 йилда 169 та уй-жой қурилиб, ҳовли тўйлари ўтказилди.*

## ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

*Шунингдек, ушбу ҳудудда замонавий болалар спорт майдончалари, мактаб, савдо ва маиший хизмат бинолари, қишлоқ врачлик пункти барпо қилинди. Бундан ташқари, жорий йилда яна 160 та уй-жой қурилмоқда.*

*Э-ҳе, кишига завқу шавқ бағишлайдиган бундай рақамлар ва мисолларни санаб ўтишдан қанчалик хурсанд эканлигимнинг таърифи йўқ. Очиғи, иқболимиз сарбаланд. Ҳаётимиз фаровон, турмушимиз қут-баракага эш. Муҳими, кўнглимиз тўқ.*

**Абдусобир БОТИРОВ,**
**Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги Пўлатдархон маҳалласи профилактика инспектори.**

## Нуфуз ва салоҳият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган давр мобайнида мазкур самолётларда бажарилган парвозлар унинг қулай ва хавфсиз эканлигини тасдиқлади. Айтиш жоизки, ушбу янги самолёт “Boeing” компанияси билан тўртта “B-767-300ER” ва иккита “B-787 Dreamliner” ҳаво кемаларини етказиб бериш тўғрисида имзоланган шартномани амалга оширишдаги навбатдаги босқичдир. Янги “Boeing-767-300ER” лайнери салони бизнес-классида 15, иқтисод-классида эса 232 ўриндиқ жойлашган. Самолётнинг максимал юкланиши 38 тонна, тезлиги соатига 900 километр, учиш баландлиги 13 минг метргача етади.

“Boeing” компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, ушбу ҳаво кемаси йўловчилар салони шинамлиги, сарф-харажатлар борасидаги тежамкорлиги ҳамда инновация технологиялари билан устувор жиҳатларга эга.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси авиапарки замонавий самолёт билан бойитилиши мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда хавфсиз авиаташувчи сифатидаги нуфузининг янада ортишига замин яратади.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Талаб, эҳтиёж, таклиф

### кичик бизнес субъектларини ишлаб чиқаришни жадал янгилашга ундамоқда

ИЗЛАНИШ

Бугунги кунда юртдошларимиз дастурхонига тортиқ этилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб барча турлари маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан тайёрланмоқда. Бу жойларда қайта ишлаш тармоқлари жадал ривожланиб, саноатга илғор технологиялар изчил татбиқ этилаётгани самарасидир.

Қарши шаҳридаги “Муродов Муродулла Рамазонович” хусусий корхонасида айни шу жиҳатга жиддий эътибор қаратилаётгани туфайли муваффақиятларга эришилмоқда. Ҳозир мазкур кичик бизнес субъектининг 30 кишилик жамоаси томонидан кунига 3,5-4 тонна табиий сут қайта ишланиб, 15 турдаги сифатли маҳсулотлар тайёрланаяпти. Корхонага ўрнатилган замонавий ускуналар Хитой, Россия ва Германия давлатларидан келтирилган. Бу эса маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширмоқда.

— Тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтираяпмиз, — дейди корхона раҳбари Муродулла Муродов. — Масалан, яқинда солиқ борасидаги имтиёзлардан тежалган маблағ ҳисобига қадоқланган айрон ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Ёз фаслининг айни жазирама кунлари бўлгани боис унга талаб тезда ошиб кетди. Энди истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларини пухта ўрганиб, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.



**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Аграр соҳа ривожи ва қонунчилик



*Маълумки, Ўзбекистон бутун дунёга машҳур юқори сифатли мева, сабзавот, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга имкон берадиган ноёб табиий иқлим шароитларига эга мамлакат ҳисобланади. Ушбу соҳа юқори даромадли бўлиб, ташқи бозорда рақобатнинг кучайиши унинг ривожланишига жиддий эътибор қаратишни талаб этади.*

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган “Боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: амалий ижроси ва янада такомиллаштириш масалалари” мавзуидаги давра суҳбатида алоҳида айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида кун тартибидаги масала юзасидан депутатлар жойларга чиқиб 12 та қишлоқ хўжалиги корхонаси, 36 та фермер ва 15 та деҳқон хўжалиги, 28 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган, жумладан, совитиш омборларига эга корхона, шунингдек, 14 та сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона фаолиятини ўрганишгани қайд этилди.

Шунингдек,Тошкент, Наманган ва Самарқанд вилоятларида “Сабзавот маҳсулотлари ва узум ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг ҳолати ва уни янада ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирлари тўғрисида” он-лайн режимида минтақавий семинарлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларда фермерлар, соҳа мутахассислари, давлат идоралари ва хўжалик субъектлари, ишбилармон доиралар фаол иштирок этди. Мазкур йўналишда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитуви ҳам ўтказилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги, Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирликлари ҳамда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ва “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси депутатларга ушбу масалани чуқурроқ ўрганишда амалий кўмак беришди.

Бу борада ўтказилган таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкни, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шароитлар яратиш бўйича туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу эса қишлоқ хўжалигида, хусусан, сабзавотчилик тармоғи ва узумчиликда ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлади.

Бугунги кунда барча тоифадаги хўжаликларда 250 минг гектар боғ ва 127 минг гектар узумзор мавжуд бўлиб, “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида юртимизда 6,7 минг гектар майдонда янги боғ, 6,8 минг гектарда узумзорлар барпо этилиши назарда тутилмоқда. Пировардида қарийб 11 минг гектар майдондаги боғ ва узумзорлар тикланади.

Тадбирда эътироф этилганидек, сўнгги 10 йилда сабзавот, картошка ва полиз етиштиришга ажратилган ер майдони 1,3 баравар, боғ ва узумзорга ажратилган ер эса 1,2 баравар кенгайди. Натижада аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш икки ва ундан кўпроқ бараварга ўсди. Шунингдек, мамлакат сабзавотчилик ва узумчилик тармоқларининг экспорт салоҳиятини юксалтиришда ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан, 2012 йилда Ўзбекистондан дунёнинг узоқ ва яқин хориж мамлакатларига қиймати 1 миллиард АҚШ долларилик сабзавот маҳсулотлари ва узум экспорт қилинди.

Тадбирда иштирокчиларнинг асосий эътибори боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчиликда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ва уларни ривожлантириш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш масалаларига қаратилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида фермерлик, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий эркинлигини ривожлантириш учун юздан ортиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ва бу мазкур йўналишдаги ишларни изчил тараққий эттиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, соҳадаги қонунчиликни, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг тармоққа хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, хусусий тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг юқори даражада қайта ишланган маҳсулот тайёрлаш бўйича ҳамкорлигини фаоллаштириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, қишлоқда янги иш ўринлари яратишга қаратилган қонунларни янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида ушбу тармоқда амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштиришга қаратилган қатор тавсиялар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

МОДЕРНИЗАЦИЯ

## Маҳаллийлаштириш дастури самараси

*Чуст туманидаги “БТ-2001” масъулияти чекланган жамияти металлдан кенг турдаги истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.*

Айни пайтда бу ерда эшик ва дераза тутқичлари, мебель фурнитуралари ҳамда бошқа дурадгорлик буюмлари учун мўлжалланган 30 дан ортиқ турдаги ёрдамчи жиҳозлар тайёрланаяпти.

Маҳаллийлаштириш дастури ижросида фаол қатнашаётган кичик бизнес жамоасида 55 киши меҳнат қилаётир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлидаги изланишлар натижасида бу ерда йиллик маҳсулот тайёрлаш ҳажми 350 миллион сўмликка етди. Яқинда корхонада модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиб, металл сиртига гальваник ишлов беришга мўлжалланган хорижий технология ўрнатилди. Эндиликда металл жиҳозлар никелланиб, ялтироқ тус берилган ҳолда буюртмачиларга етказилмоқда.

Эътиборлиси, мазкур лойиҳа шарофати билан 15 кишининг бандлиги таъминланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УЛКАН САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда хориж сармояси иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга оширишда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 18 март куни қабул қилинган “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этишга оид Фармонига мувофиқ, мазкур ҳудудда яна бир саноат зонаси ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишдан иборатдир. Мамлакатимизда Ўзбекистон — Хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган мазкур махсус индустриал зона фаолиятининг асосий вазифалари юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технологияли корхоналар ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантиришдир.

Анжуманнинг биринчи кунида хитойлик меҳмонларга “Жиззах” махсус индустриал зонасида яратилган имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

— Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қарайди, — деди Хитойнинг Чжэцзян провинциясининг Вэньчжоу шаҳри мэрининг ўринбосари Чжэн Чаоян хоним. — Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг эркин ва муваффақиятли фаолият юритиши учун барча зарур шароит, улкан имкониятлар ва имтиёзлар яратилган. Бундай кенг имкониятлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Форумда Хитойнинг етакчи фирма ва компанияларидан уч юзга яқин ишбилармон иштирок этаётгани уларнинг “Жиззах” махсус индустриал зонасида мамлакатимиз тадбиркорлари билан ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, бу ерга сармоя киритиш ва Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва фаол ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қизиқиши юқори эканидан далолатдир. Жорий йилнинг апрель ойида Хитойнинг Пекин, Ханчжоу, Сучжоу ва Шэньян каби шаҳарларида Ўзбекистон — Хитой сармоявий форумлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирлар якунларига кўра, “Жиззах” махсус индустриал зонасида электр техникаси, машинасозлик, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, замонавий қурилиш материаллари ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликда юқори технологияли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича умумий қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг 54 ҳужжат имзоланди.

— Компаниямиз ўзбекистонлик шериклари билан 2002 йилдан буён фаол ҳамкорлик қилиб келаётир, — деди Хитойнинг “Holley” компанияси вакили Ганг Сяо. — Ўзбекистонда электрон ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар, жозибадор сармоявий шароит яратилгани бизни мамлакатингиз ишбилармонлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ундамоқда. Бу Ўзбекистон раҳбарининг хорижий сармоядорларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги самараларидир.

Анжуманда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Нефть-газ, кимё саноати, қурилиш материаллари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, электр техникаси, озиқ-овқат ва енгил саноат, чарм пойабзал, фармацевтика каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, бу йўналишларда ўзаро фойдали сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Форум иштирокчилари “Жиззах” махсус индустриал зонасининг Сирдарё вилоятидаги филиалида бўлиб, ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти, ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар билан танишди. Сирдарё туманидаги “Пенг-Шенг” масъулияти чекланган жамиятининг мобиль телефонлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонасининг очилиш маросимида қатнашди.

Анжуманда “Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида энергетика, электрон қурилмалар, телекоммуникациялар, тўқимачилик, машинасозлик ва фармацевтика соҳаларида сармоявий қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган, умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан зиёд 21 битим имзоланди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «Барқарор ривожланиш изчил давом этмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўнгги уч йил давомида иқтисодиётни меъёрий даражада кредитлаш мўътадиллик касб этиб, ўсишга хос бўлган таваккалчиликларни пасайтириш имконини бермоқда. Банк тизими кредит портфелининг 79 фоизи иқтисодиётнинг реал секторларига тўғри келади. Тижорат банкларининг ресурс базаси мижозларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш ҳисобига ўсиб бормоқда. Банк тизимининг ташқи кредиторлар олдидаги мажбуриятлари жами ресурслар базасининг 10 фоизидан ошмайди. Ташқи қарзлар, асосан, стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни имтиёзли тарзда узоқ муддатга молиялаштириш учун тақдим этилмоқда. Хусусий банклар капиталининг ошиши баробарида, улар томонидан ижтимоий соҳага йўналтирилган кредитлар улуши ҳам ортган.

Шунингдек, хорижий экспертлар банк инфратузилмасининг яхшиланиши молия муассасаларининг муваффақиятли фаолият юритишида муҳим омил бўлаётганини ҳам алоҳида таъкидладилар. Бунда банк инфартузилмасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилингани айни муддао бўлаётир. Изчил ислоҳотлар самараси ва тизимга инновацион технологияларнинг кенг жорий этилаётгани эса накд пулсиз амалиётлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган 28 та тижорат банки нуфузли халқаро ташкилотларнинг “барқарор” рейтинг баҳосини қўлга киритган бўлиб, шундан 8 таси “Fitch Rating`s” агентлигига тегишлидир. Буларнинг бари юртимиз молия-банк тизими тобора такомиллашиб, молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар халқаро талаблар даражасига тенглашаётганлигидан далолат беради.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган халқаро конференцияда молия-банк соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, банкларни баҳолаш тизими ва ёндашувлар, банклар фаолиятини ташкил этишдаги умумқабул қилинган мезонлар борасида фикр алмашилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Навқирон авлод саодати

### ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадидир



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳозир пойтахтда таҳсил олаяпман, — дейди Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси Олимжон Тўйчиев. — Лекин туғилиб-ўсган шаҳрим — Бекободга ҳар келганимда унинг кундан-кунга яшнаб-яшариб бораётган жамолини кўриб қувонаман. Таътил пайтида асосий вақтимни “Ёшлар маркази”да ўтказаяпман. Бу ерда инновацион технологияларга, рационализаторликка қизиқувчи тенгдошларим билан биргаликда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган шароитларда роботларнинг имкониятларидан фойдаланиш масаласи устида изланишлар олиб бораяпмиз.

Шаҳардаги яна бир муҳташам иншоот — “Ёшлик” спорт мажмуаси ҳам ёшларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда спортнинг бир қатор оммавий турлари, хусусан, таэквондо, волейбол, бокс, сузиш, бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун барча имкониятлар муҳайё қилинган. Тўгарак машғулотлари тумандаги 17 та мактаб ҳамда 6 та касб-ҳунар коллежининг 2400 нафар ўқувчисини ўзида бирлаштирган. Мажмуада барча машғулотлар бепул, 27 нафар малакали мураббий спортчилар тайёрлаш билан машғул.

Бекободда меҳмон бўлган кишининг эътиборини шаҳарда янги қурилган “Металлург” стадиони ҳам ўзига жалб этиши аниқ. Мазкур иншоот жаҳон андозалари асосида, замонавий архитектура талабларига мувофиқ, ўзига хос дизайнда барпо этилган бўлиб, 15 минг футбол ишқибозини бағрига сиғдира олади. Стадион қурилишига 16 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Унинг қошида махсус футбол мактаби иш бошлагани эса футболимиз келажаги йўлида яна бир қадам бўлди, дейиш мумкин.

— Айни пайтда мактабимизда 324 нафар бола футбол сир-синоатларини ўрганмоқда, — дейди мураббий Маҳмуд Холматов. — Алоҳида иқтидорга эга ёш футболчилар махсус тайёрлов гуруҳларига олиниб, шу тариқа “Металлург” футбол клубининг ўринбосарлар таркиби шакллантирилади. Ҳозир 16-17 ёшли шогирдларимизнинг 6 нафари олий лига жамоалари таркибига ўтиш арафасида. Насиб бўлса, ҳали шогирдларимиз бутун дунёнинг эътиборини тортадиган моҳир спортчилар бўлиб етишишади.

Дарҳақиқат, бугун давлатимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб улғаяётган ёшларимизнинг ғайрат-шижоати, интилиш ва изланишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Зеро, бу келгусида илм-фан, санъат, спорт каби кўплаб соҳаларда катта-катта ютуқлар пойдевори бўлиши, шубҳасиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Истиқлол суруri

*Бугун шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилаётган замонавий иншоотлар, кўркам қурилишларга олам маҳлиё, десам, муболаға эмас.*

# БУНЁДКОРЛАР САФИДАМАН

*Айниқса, кенг, ёруғ, барча шарт-шароит яратилган таълим даргоҳларида билим олаётган ўғил-қизларга ҳавас қиламан. Тўғриси, гоҳида мақтансам дейман: Истиқлолимиз бунёдкори бош бўлган қурилишларда — ўнлаб коллежу мактаб биноларини барпо этишда иштирок этганимдан ғурурланишимни айтгим келади. Шунда вужудимда илиқ бир ҳарорат уйғонади. Беихтиёр ҳаприқиб, қўлларимни ташлаб, керилиб қўяман.*

**Қуанишқали АЛИЕВ,**
**Нукус шаҳридаги «Амударё» масъулияти чекланган жамияти раиси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи.**



# Бухоро ҳовузлари

*Қадимий Бухорога кўрку салобат бахш этиб турган меъморчилик обидалари ота-боболаримиз ақлу заковати, истеъдодининг ёрқин тимсоли сифатида ҳали-ҳануз дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Кўҳна шаҳар ҳовузларини ҳам шундай осориатиқалар сирасига киритиш мумкин.*

## ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

— Бухоро ҳовузлари ўрнашган жойи, қурилиши, кўриниши, сув таъминотининг мукаммаллиги билан азал-азалдан олиму тадқиқотчиларни қизиқтириб келган, — дейди Бухоро меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси директори ўринбосари Карим Рустамов. — Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, эски шаҳар ҳудудида юздан зиёд ҳовуз бўлиб, улар ўз вақтида эски шаҳарнинг қон томири саналган.

Дарҳақиқат, бу ҳовузлар илгари аҳолини сув билан таъминлашда муҳим манба бўлган. Масалан, биргина Лабиҳовуздан саксонта мешкоб сув олиб, хонадонлар, чойхона, карвонсаройларни обиҳаёт билан таъминлаб турган.

— Ҳовузларга сув Шоҳруд ариғи орқали оқиб келган, — дея эслайди кекса меъмор-муҳандис Исмат Муҳсинов. — Бунда усти ғиштлар билан ёпилган тазарлар, яъни ер ости каналлари жуда қўл келган. Ҳовузлар атрофи мармар тошлар билан безатилиб, зиналар ҳосил қилинган. Зиналарнинг пишиқ, мустаҳкам бўлиши учун тошлар ости ва орасига тут ёғочи қўйилган. Ҳовуз сатҳини бегона ўт қопламаслиги учун ҳам зарур чоралар кўрилган. Яна бир эътиборли жиҳати, қаерда маҳобатли иморатлар тикланган бўлса, унга яқин жойда, албатта, ҳовуз барпо этилган. Негаки, ҳовуз ва унинг атрофида ўстирилган тут ҳамда гужумлар ер ости сизот сувларининг юқорига кўтарилишига ғов бўлган, мадрасаю масжидлар пойдеворини захдан ҳимоя қилган. Уларнинг шаҳар иқлимини мўътадил сақлашдаги беминнат "хизмати"-ни-ку айтмай қўя қолайлик...

Қадимий ҳовузлар атрофи ҳозир ҳам ёзнинг иссиғида шаҳар аҳолиси, сайёҳлар учун энг сўлим, дилтортар маскан бўлиб хизмат қилмоқда. Лабиҳовуз, Болоҳовуз, Ситораи Моҳи Хоса музейидаги ҳовуз ана шулар жумласидан. Ваҳолонки, шўро тузуми даврида ўнлаб масжиду мадраса, хонақоҳлар қатори бу ҳовузларга ҳам эскилик сарқити сифатида қаралган, уларнинг кўпчилиги кўмиб ташланган, қаровсиз қолдирилганди. Бухоролик кексалар ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Лабиҳовузнинг суви қуритилиб, ўрни волейбол майдончасига айлантирилганини яхши эслашади. Ҳозир эса эски шаҳарнинг қоқ марказида бундан 412 йил муқаддам барпо этилган бу ҳовуз ёнидан сайёҳлар қадами узилмайди. Бу ерда бунёд этилган фавворалар, қадимий тутлар, ҳовузда эмин-эркин сузиб юрган ўрдак ва ғозлар, ён-атрофдаги ажиб бир осойишталик кўнгилларда шукроналик уйғотади.

— Илоҳим, юртимиздаги тинчликка, мустақиллигимизга кўз тегмасин, — дейди Исмат ота. — Шаҳримиз йил, ой сайин яшариб, кўркамлашиб бораётир. Обидалар таъмирланаяпти. Қадимий дарвозалар қайта тикланмоқда. Қаровсиз турган ҳовузлар таъмирдан чиқарилмоқда. Хўжа Зайниддин ҳовузи, Болоҳовуз, Исмоил Сомоний, Хўжа Калон, Пиридастгир, Ҳазрати Имом ҳовузлари шулар жумласидан.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида қадриятларимизни, маданий ёдгорликларимизни қайта тиклаш борасида амалга оширилган ишларни айтиб, адоғига етиш мушкул. Чашмадек қайта кўз очган Бухоро ҳовузлари эса асрлар оша шаҳарга кўрку тароват бахш этаверади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

*Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!*

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган ҳолда харид этишга тендер (танлов) савдолари эълон қилади.**

Тендерда қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи** — Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

**Тендер комиссияси ишчи органининг манзили:**
112038, Фарғона шаҳри, Юксалиш кўчаси,104-уй.
Телефонлар: (8-373) 224-36-43, 224-94-49.
Факс: (8-373) 224-37-03.
Электрон почта: farssb@mail.ru

**Банк реквизитлари**
Молия вазирлиги ғазначилиги ҳ/р: 23402000300100001010, СТИР: 201122919, Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси, МФО: 00014, ш/ҳ/р: 400121860304017950100054006,
СТИР: 200151432, ОКОНХ: 97400.

***Танлов предмети.***

**Қуйидаги лотлар бўйича маҳсулотларни етказиб бериш:**
**1-лот** — шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори воситалари;
**2-лот** — реактивлар;
**3-лот** — тиббий буюмлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори (максимал) нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари.**
Барча етказиб берувчилар учун — Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари дорихона омборларига маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

Етказиб бериш муддатлари танлов савдолари ва танлов ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар вилоят танлов комиссияси томонидан савдода иштирок этиш истагидаги талабгор фирма ва корхоналарнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгача бўлиб, тендер (танлов) ҳужжатлари ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

***Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 3 август соат 15.00 га қадар.***
***Тендер (танлов) савдоси бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.***

1031А/605

## АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**2013/2014 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари бўйича кундузги бўлимга абитуриентлар қабулини эълон қилади.**

**БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА**

1. Даволаш иши
2. Педиатрия иши
3. Касб таълими (тиббий педагогика иши)
4. Стоматология
5. Олий ҳамширалик иши

**МАГИСТРАТУРА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА**

1. Акушерлик ва гинекология
2. Терапия (йўналишлар бўйича)
3. Оториноларингология
4. Кардиология
5. Офтальмология
6. Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича)
7. Дерматовенерология
8. Неврология
9. Умумий онкология
10. Жарроҳлик (йўналишлар бўйича)
11. Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича)
12. Нейрожарроҳлик
13. Соғлиқни сақлашни бошқариш (йўналишлар бўйича)
14. Урология
15. Морфология (йўналишлар бўйича)
16. Наркология
17. Травматология ва ортопедия
18. Суд-тиббиёт экспертизаси
19. Педиатрия (йўналишлар бўйича)
20. Болалар жарроҳлиги
21. Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси
22. Болалар кардиологияси ва ревматологияси
23. Болалар неврологияси
24. Неонатология

**I. ДАВОЛАШ, ПЕДИАТРИЯ, КАСБ ТАЪЛИМИ ИШИ ВА СТОМАТОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**

| | |
|---|---|
| 1. Биология — тест синови | 3,1 балл (тест имтиҳон) |
| 2. Кимё — тест синови | 2,1 балл (тест имтиҳон) |
| 3. Она тили ва адабиёти | 1,1 балл (тест имтиҳон) |

**II. ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ҲАМШИРА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**

| | |
|---|---|
| 1. Мутахассислик бўйича | — ижодий имтиҳон (оғзаки) |
| 2. Биология — тест синови | 3,1 балл (тест имтиҳон) |
| 3. Она тили ва адабиёти | 1,1 балл (тест имтиҳон) |

**III. МАГИСТРАТУРА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**

1. Давлат ва жамият қурилиши назарияси ва амалиёти — тест синови
2. Мутахассислик бўйича — тест синови

**Ҳужжатлар бакалавриат ва олий малакали ҳамширалик иши йўналиши бўйича 20 июндан 20 июлгача, магистратура йўналиши бўйича эса 30 июндан 30 июлгача қабул қилинади.**

**РЕКТОР НОМИГА ЁЗИЛГАН АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ИЛОВА ЭТИЛАДИ:**

1. Бакалавриат йўналишлари абитуриентлари учун ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, магистратура ва олий ҳамширалик иши бўлими абитуриентлари учун мутахассислик маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
2. Паспорт нусхаси.
3. 3,5х4,5 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.
4. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.

**Институтга қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 2013/2014 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги низоми асосида амалга оширилади.**

**Қўшимча маълумотлар учун қабул комиссиясига (8-374) 237-50-83 телефони орқали ёки agmi-361@rambler.ru сайтига мурожаат қилиш мумкин.**
**Манзил: Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй.**

1009А/586

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

***Аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**1.** Чилонзор тумани СИБ томонидан 2012 йил 29 августдаги 1-549/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 36-уй, 1-хонадонда жойлашган офис.
***Бошланғич баҳоси — 98 155 900 сўм.***

**2.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 апрелдаги 11338-39/25-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчасидаги 45-уй.
***Бошланғич баҳоси — 175 003 300 сўм.***

**3.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2013 йил 30 апрелдаги 45371/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 1-берк кўчадаги 13-хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 171 167 130 сўм.***

**4.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2013 йил 30 апрелдаги 45371/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Черкасский кўчаси, 1-берк кўчадаги 4-хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 195 582 240 сўм.***

**5.** Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 27 майдаги 3049-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, Эвалак маҳалласи, О. Шарофуддинов кўчасидаги 172-уй.
***Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.***

**6.** Бекобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрдаги 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод тумани, Шова маҳалласида жойлашган уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 183 252 855 сўм.***

**7.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11379/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган 2-сонли савдо дўкони, 2-блок.
***Бошланғич баҳоси — 67 847 400 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 19 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**8.** Чилонзор тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 февралдаги 1-398/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Наққошлик кўчаси, 5-уй, 1-хонадон, 4-қаватли уйнинг 1-қавати.
***Бошланғич баҳоси — 82 853 811 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 5 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.**
*Хизматлар лицензияланган.*

*Лицензия: RR-0052.*

1074А/380

## «OBIDA RIEL PROFFESIONAL» МЧЖ

**ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «Кўқон № 2 пахта тозалаш заводи» ОАЖнинг 2013 йил 19 июндаги 10/388-сонли хатига ҳамда акциядорларнинг 2013 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши баёнига асосан, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, «Учкўприк» пахта тайёрлов масканида жойлашган лаборатория биноси қўйилмоқда. Қурилиш эгаллаган майдон 54 $м^2$.

***Бошланғич баҳоси — 6 290 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 7 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг ариза (талабнома)лари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш — 2013 йил 5 август соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда, ишончнома тақдим қилинади. Савдо ғолиби аукцион ўтказилган санадан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиши лозим. Сотувчи томонидан объект учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Obida riel professional» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804966256001, СТИР: 302256866, ОАТБ «Агробанк» Фарғона филиали, МФО: 00495.

Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй.

Ушбу кундаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий савдо 2013 йил 22 август, 6 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб юқоридаги манзил ва шартларда ўтказилади.

***Хизматлар лицензияланган. Лицензия № RR-0118.***

1073R/640

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

***2013 йил 5 август куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:***

● Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Учкўприк тумани судининг 2013 йил 8 январдаги 1-1/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фурқат тумани ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, ранги оқ, давлат рақамисиз.
***Бошланғич баҳоси — 21 600 000 сўм.***

● Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ Боғдод тумани судининг 2013 йил 8 январдаги 7-20-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани ИИБда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 K 4482.
***Бошланғич баҳоси — 15 901 200 сўм.***

● Бувайда тумани СИБ томонидан ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 20 февралдаги 1-78-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувайда тумани ИИБда сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21033» русумли, ранги кўк, давлат рақами 17 N 6017, таъмирталаб.
***Бошланғич баҳоси — 4 146 653 сўм.***

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йил 21 август куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 2 август куни соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва ушбу манзилда аукцион савдолари ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.**

**Диққат!**

«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2013 йил 1 июлдаги 94-сонли хатига асосан, «Халқ сўзи" газетасининг 2013 йил 19 июндаги 118 (5792)-сонида чоп этилган эълонидаги аукцион савдоларини ўтказиш саналари «5 ва 20 июль кунлари» ўрнига «8 ва 23 июль кунлари», такрорий савдо санаси «20 июль ва 5 август кунлари» ўрнига «23 июль ва 7 август кунлари», талабгорлардан аризаларни қабул қилиш санаси «3 июль, 18 июль ва 1 август кунлари» ўрнига «4 июль, 19 июль ва 5 август кунлари», деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус ш., Амир Темур к., 112-«А» уй, 412-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг 2013 йил 1 июлдаги 35-сонли хатига асосан, «Халқ сўзи" газетасининг 2013 йил 27 июндаги 124 (5798)-сонида чоп этилган эълонидаги аукцион савдоларини ўтказиш санаси «29 июль куни» ўрнига «5 август куни» деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази». Мурожаат учун телефон: (+99898) 100-86-86.**

***Гувоҳнома № 004059.***

1070А/870

## Истиқлол сурури

*Таълим тизими ривожига миллиардлаб маблағ сарфланмоқда. Нимага, нима учун? Буни билиш кифоя эмас. Англаш ва, албатта, қадрига етиш керак.*

# БИЗ БАХТИЁР ЁШЛАРМИЗ!

*Бу маблағлар ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, тенглар ичра тенг бўлиб, Ўзбекистондек буюк мамлакат довруғига довруқ қўшиши, эртанги куннинг бугунгидан-да порлоқ бўлишига хизмат қилиши, муҳими, яхши яшаб, ниятларига етиб юриши учун сарфланаётгани айни ҳақиқат.*

*Бизнинг қаддимиз тик, қадамимиз дадил. Ишонтириб айтаманки, Ўзбекистонимизнинг ёрқин келажаги йўлида бор имконият ва салоҳиятимизни ишга соламиз.*

**Саидабону АБДУСАЛОМОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги Агроиқтисодиёт коллежи ўқувчиси.**

# Осиё ўйинларидаги дастлабки медаллар

*Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида давом этаётган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашиб, медалларни қўлга киритишмоқда.*

## КУНДАЛИК



Хусусан, муайтай бўйича баҳсларда ҳамюртимиз Саидаҳмад Орипов ҳам совриндорлар сафидан жой олди. У 75 килограммгача оғирликдаги спортчилар баҳсида бронза медалига сазовор бўлди.

Минифутбол беллашувларида эса Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ босқичида дастлаб афғонистонлик рақибларини 10:2, кейин эса қатарлик минифутболчиларни 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўл олди. Бу босқичда вакилларимиз Япония терма жамоасига қарши баҳс олиб борадилар.

Осиё ўйинларининг шахмат мусобақасида ҳам ўзбекистонлик спортчилар ғалабали юришни давом эттирмоқдалар. Хусусан, тажрибали гроссмейстеримиз Марат Жумаев кетма-кет икки партияни ўз фойдасига ҳал қилди. Спортчимиз дастлаб брунейлик ФИДЕ устаси Вей Сун Иеени, кейин эса сингапурлик Кевин Минг Вей Гохни мағлубиятга учратди. Сўнгра Марат Жумаев мўғулистонлик Батчулун Цегмед ва филиппинлик Оливер Барбоза билан муроса кўчасини танлади. Яна бир вакилимиз Антон Филиппов эса дастлабки икки турда дуранг ўйнаганди. Кейинги турларда ҳамюртимиз яманлик Муҳаммад Отман ва бангладешлик Аҳмад Уддиномдан устун келди.

Хотин-қизлар ўртасида Нафиса Мўминова биринчи турда япониялик Наруми Учидани мағлубиятга учратди. Кейин эса кетма-кет уч турда дуранг натижа қайд этди.

Гулруҳбегим Тоҳиржонова дастлаб непаллик Бина Жаисвал, иккинчи партияда қозоғистонлик Гулисхон Нахбаевадан устун келганди. Афсуски, учинчи ва тўртинчи турларда у рақибларига имкониятни бой бериб қўйди.

Мусобақалар 6 июлга қадар давом этади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## Спорт

### Ўзбекистон — компьютерлашган футбол ўйини бўйича

# ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ!

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтаётган IV Осиё ўйинларида мамлакатимиз жамоаси футбол ўйини бўйича илк бора Осиё чемпиони бўлди.

Қизиқарли кечган учрашувларнинг ярим финал баҳсида Малайзия, финал учрашувида эса Хитой Халқ Республикаси жамоаси мағлуб этилди ва шу тариқа ғолиблик шоҳсупасига чиқилди.

Шу ўринда, компьютер ўйинлари бўйича ўтказилган мазкур мусобақада Осиёнинг энг кучли давлатларидан спортчилар иштирок этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Бу натижа мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб туҳфадир, — дейди “Uzbekistan Cyber Games” ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — “FIFA13” компьютер ўйинида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Павел Саприкинга келгусида янада улкан зафарлар тилаймиз. Шунингдек, яна бир спортчимиз Сардорбек Абдуллаев ҳам “Need For Speed: Unleashed” компьютер ўйинида дастлабки кумуш медални терма жамоамиз ҳисобига олиб келди. Бу мамлакатимизда юксак салоҳиятга эга ёшлар кўпайиб бораётганидан далолатдир

**Омонулла ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.**

## Маданият хабарлари



***Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида “Дадажониси, кечиринг” спектакли премьераси бўлиб ўтди.***

### Янги спектакль премьераси

Икки пардали мазкур саҳна томошаси ёш драматург Абдулазиз Раҳматов асари асосида саҳналаштирилди. Унда ўзбек оиласига хос анъаналар, давр синовларига бардош, оила муқаддаслиги, ўткинчи ҳисларга алданиб қолиш оқибатлари очиб берилади.

Саҳналаштирувчи режиссёр Гулруҳ Нажидова, бастакор Дилноз Зокирова томонидан ишланган мазкур спектаклда асосий ролларни театрнинг Темур Каримов, Феруз Сафаров, Гулнора Самикова, Наргиза Баратова, Сардор Норматов, Марат Бухаров каби истеъдодли актёр ва актрисалари ижро этишган.

**Саодат УСМОНОВА.**

***Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида ёш рассомларнинг экспозиция йўналишидаги асарлари кўргазмаси бошланди.***

### Ёш истеъдодлар кўргазмаси

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада ёш мўйқалам соҳиби Екатерина Ляпинанинг картина ва инсталляциялари ҳамда Давлат Абдуғаниевнинг ҳайкалтарошлик санъатига оид ишлари намойиш этилмоқда.

**Фозила АШУРОВА.**

# ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН ВА ЮҚОРИ СИФАТ

*Одатда, замонавий дизайн асосида сифатли хом ашёдан тайёрланган бежирим мебеллар хонадонлар ҳамда идора ва офисларга ўзига хос кўрк бағишлайди. Уларни харид қилишда эса рангу жилосидан тортиб, шакли ва безаклари, фойдаланиш учун қулайлиги, ёғочининг мустаҳкамлиги, нархининг турдошларига нисбатан арзонлиги каби кўплаб жиҳатларга эътибор қаратамиз.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Реклама ўрнида

Бу, табиийки, мебелсозлик саноати корхоналарининг жамоаларидан давр билан ҳамқадам бўлишни, ҳамиша янгиликка интилишни талаб этади. Ҳозирги кунда мазкур йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари босқичма-босқич модернизация қилиниб, уларда ихчам ва тежамкор технологиялардан самарали фойдаланилаётганининг боиси ҳам шунда.



Дарҳақиқат, бугун мебель жиҳозлари билан савдо қилувчи дўконларга кирсангиз, маҳсулотларнинг хилма-хиллигидан ҳайратга тушасиз. Энг муҳими, улар хорижникидан асло қолишмайди — сифати аъло, нархи эса бирмунча арзон.

Пойтахтимиздаги “Art furniture” корхонасида ишлаб чиқарилаётган мебель жиҳозларига эса нафақат юртимиз, балки қўшни мамлакатлардан ҳам кўплаб буюртмалар келмоқда.

Айтиш жоизки, “Art furniture” дастлаб ўн киши билан фаолият бошлаган бўлса, ҳозир бу ерда олтмиш киши иш билан банд. Корхонада ички ва ташқи бозор талаби, буюртмачилар таклиф ва истакларидан келиб чиқиб, маҳсулотларга керакли шакл ва безаклар берилаяпти.

— Замонавий технология — иш унуми ва сифатини оширишда беқиёс восита, — дейди корхона раҳбари Фазлиддин Солиҳов. — Масалан, бизда ишлаб чиқариш Италия технологиясига асосланган бўлиб, деярли барча жараён компьютер орқали бошқарилади. Шу тариқа ўлчамларнинг аниқлиги, рангларнинг тиниқлиги ва ўзаро уйғунлиги таъминланади. Бу, шунингдек, вақтни тежаш ва хом ашё исрофгарчилигининг олдини олиш имконини ҳам беради.

Ана шу омиллар туфайли кейинги йилларда тендер савдоларида ғолибликни қўлга киритиб, шартнома асосида умумтаълим ва ўрта махсус таълим муассасаларига маҳсулотлар етказиб бераяпмиз. Маълумки, мебелларнинг жозибали кўриниши унга танланган ёғоч сифатига ҳам боғлиқ. Шу боис Болтиқбўйи давлатлари, Словения ва Германиядан келтирилган ДСП, МДФ каби замонавий хом ашёлардан фойдаланаяпмиз. Ушбу ёғочлар сифатли, чидамли, намлиги 8-10 фоизни ташкил этиши билан ажралиб туради. Бу эса маҳсулотларимиз харидоргирлигини ошираяпти.

Барча соҳаларда бўлгани каби, саноат тармоқларида ҳам малакали мутахассисларсиз кутилган муваффақиятга эришиб бўлмайди, албатта. Илғор технологияларни бошқариш жараёни ишчи-ходимлардан чуқур билим ва тажрибани талаб этиши кундай равшан эмасми? Буни ҳисобга олган “Art furniture” мутасаддилари ўз ишчи-ходимларига “Устоз — шогирд” анъанаси асосида касб сирларини ўргатишга интилмоқдалар. Италияда таҳсил олган корхона мутахассисларидан 12 нафари эндиликда ўз билим ва тажрибасини жамоанинг ёш аъзолари билан баҳам кўришаяпти.

Мухтасар айтганда, корхона жамоаси ички бозор буюртмаларини бажариш билан бирга, ташқи савдо компанияларининг таклифлари устида ҳам тинимсиз иш олиб бормоқда. Бу “Art furniture”нинг экспорт салоҳияти янада ошади, деганидир.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**


• Реклама ва эълонлар •














Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раҳбарияти тизимда узоқ йиллик самарали меҳнат қилиб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшган

**Ёқуб ЖАВЛОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Тўқимачилик саноат технологияси факультети декан ўринбосари Шавкат Файзуллаевга падари бузруквори

**Раим ота ФАЙЗУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси кафедраси ассистенти Равшанжон Ахматжоновга волидаи муҳтарамаси

**МИНГТИЛЛА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5